

## ЭРТА ТУФИЛГАН ДИХОРИАЛ ЭГИЗАКЛАР МИОКАРД ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ



Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Урунова Машхура Алламуродовна  
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

### МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СТРУКТУР МИОКАРДА НЕДОНОШЕННЫХ ДИХОРИАЛЬНЫХ БЛИЗНЕЦОВ

Жуманов Зиядулла Эшмаматович, Урунова Машхура Алламуродовна  
Самаркандинский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

### MORPHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF MYOCARDIAL STRUCTURES OF PREMATURE DICHORIAL TWINS

Jumanov Ziyadulla Eshmamatovich, Urunova Mashkhura Allamurodovna  
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [omadlikun@mail.ru](mailto:omadlikun@mail.ru)

**Резюме.** Эрта туғилған дихориал әгизаклар миокард тузилмаларидағи морфологик ҳусусиятларини анықлаши мақсадида 24 нафар (12 жұфт) вафот этгандын дихориал әгизаклар юраги патоморфологик тадқиқоти амалға оширилған. Нисбатан юрак ұажеті кичик бўлған ва юрак ұажеті катта бўлған әгизаклар миокард тузилмаларидағи фарқ-тағавутлари морфологик жиҳатдан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** дихориал, әгизаклар, миокард, қон томир, морфология.

**Abstract.** A pathomorphological study of the heart of 24 (12 pairs) deceased dichorial twins was carried out in order to determine the morphological characteristics of the myocardial structures of prematurely born dichorial twins. Differences in myocardial structures of twins with a relatively small heart size and with a large heart size are morphologically explained.

**Key words:** dichorial, twins, myocardium, vascular, morphology.

Бутун дунёда бугунги күн тиббиёти олдида турган муаммолардан бири бу күп ҳомиладиқтар. Бу муаммонинг долзарбилиги ҳомиладорлик асоратларининг күплиги, ўзига хослиги, жарроҳлик туғилишнинг оғирлиги, туғруқдан кейинги асоратлар, яшаб қолган чақалоқларда перинатал ўлимнинг юқоришлиги ва касалланиш даражасининг ошиши билан боғлиқdir [1]. Перинатал тиббиётнинг ҳозирги ривожланиш даражаси билан ҳам, янги туғилған чақалоқлар ўлеми күп якка ҳомиладорликка нисбатан 5 баравар юқоридir [3]. Ўлик туғилиш даражаси ёлғиз ҳомиладорлик билан оғриган беморларга қараганда 2-10 баравар юқори. Перинатал касаллик ва ўлим, биринчи навбатда, эрта туғилиш билан боғлиқ [4]. Күп ҳомиладорликда туғилишнинг ярми (56%) ҳомиладорликнинг 37 хафтасидан олдин содир бўлади, якка туғилишда 6% га ҳолатда кузатилади [3]. Әгизаклар ўлемини

камайтириш масаласи бугунги күн тиббиёти олдида турган долзарб муаммо ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Эрта туғилған дихориал әгизаклар ўлемида миокард тузилмаларидағи ўзгаришларни морфологик характеристикасини ўрганиш.

**Материал ва тадқиқот усуллари.** Эрта туғилиб вафот этгандын алоҳида йўлдошли әгизаклар миокард тузилмаларидағи морфологик ҳусусиятлари ўрганиш мақсадида 24 нафар вафот этгандын әгизаклар юраги микроскопик текширувдан ўтказилди. Шулардан 8 ҳолат ўғил жинсли әгизаклар, 4 ҳолат қиз жинсли әгизаклардир. Тадқиқотда муддатидан олдин туғилиб, 3 кунгача яшаган чақалоқлар юрагининг чап қоринчаси деворидан ва қоринчалараро тўсикдан  $1 \times 1 \times 0,5$  см даги тўқима бўлакчалари олинди. Олинган тўқима бўлакчалари 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, спиртли батарея орқали ўтказилди, парафинли блоклар тайёрланди. Тайёрланган

гистологик қирқмалар гематоксилин ва эозин, Ван-Гизон бүйича бўялди. Микрофотография усуллари ўтказилди.

**Натижалар ва муҳокамалар:** Эрта туғилиб вафот этган алоҳида йўлдошли (дихориал) эгизакларда олиб борилган макроскопик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эгизакларнинг юрак ҳажмида сезиларли фарқ аниқланади. Микроскопик текширув ўтказилганда юрак ҳажми нисбатан кичик бўлган эгизаклар юрагининг миокард қаватидаги кардиомиоцитларнинг аксариятида кариопикнотик ҳолатлар қайд этилса, кам сонли хужайраларда кариорексис ва кариолизис жараёни кўзга ташланади. Мушаклараро кучсиз шишиниш кўзга ташланади (1-расм).

Кон томир бўшлиғидаги эритроцитлар мавжуд бўлиб, айримларининг шакли аник, бир бирига кўшилмаган ҳолатда жойлашганлиги ва аксарият эритроцитларнинг шакли ноаниклиги


аниқланади. Кон томирлар девори шишинган, эндотелиоцитларда кариопикнотик жараёни яққол қайд этилади, айрим эндотелиоцитларнинг ядроси аниқланмайди (2-расм).

Юрак ҳажми нисбатан катта бўлган алоҳида йўлдошли эгизакларнинг юрагининг миокард қавати кардиомиоцитларда шишиниш, ядросида кариопикнотик жараёнлар, айрим кардиомиоцитларда кариорексис ва кариолизис жараёни қайд этилади. Миокардда мушаклараро шишиниши, миоцитларнинг тарқоқ ва толаланганилиги аниқланади. Айрим жойларда мушак толаларининг фрагментларга (майда бўлакчаларга) ажралганилиги кузатилади (3-расм).


Кон томир бўшлиғида эритроцитларнинг борлиги аниқланади, бироқ уларнинг шакли ноаниқ, гемолиз ҳолатида. Девори шишинган, толаланган, эндотелиоцитларнинг ядросида кариорексис ва кариолизис жараёни қайд этилади (4-расм).




**Расм 1.** Нисбатан юрак ҳажми кичик бўлган дихориал эгизаклар миокард қаватидаги мушаклараро кучли шиниши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



**Расм 2.** Нисбатан юрак ҳажми кичик бўлган эгизаклар миокард қаватидаги интрамиокардил кон томирлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



**Расм 3.** Нисбатан юрак ҳажми катта бўлган дихориал эгизаклар миокард қаватидаги мушаклараро шиниши. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10



**Расм 4.** Нисбатан юрак ҳажми катта бўлган эгизаклар миокард қаватидаги интрамиокардил кон томирлар. Гематоксилин-эозинда бўялган. Об.40, ок.10

Юрак ҳажми деярли бир хил бўлган монохориал эгизаклар юраги кардиомиоцитларида карипикнотик, кариорексис ва карилизис жараёни кўрув майдонида миқдор жиҳатдан деярли бир хиллик касб этади [2]. Дихориал эгизакларнинг аксариятида юрак ҳажмининг бир хил бўлмаслиги кузатилади. Кичик ҳажмли юрак кардиомиоцитларидағи патоморфологик ўзгаришлар эртароқ ва кучлирок намоён бўлиши кузатилади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, алоҳида йўлдошга эга бўлган эгизакларнинг аксариятида юрак ҳажми кичик бўлиб, юрак ҳажми катта бўлган эгизакларда миокард тузилмаларидағи потоморфологик ўзгаришлар кучсиз намоён бўлади. Бу эса неонтология амалиётида алоҳида эътиборга олиниши лозим.

#### Адабиётлар:

1. Баринов С.В., Рогова Е.В., Долгих Т.И., Кадцына Т.В. Особенности течения многоплодной беременности в сочетании с тромбофилями. Мать и дитя в Кузбассе. 2014;2(57):39–42.
2. Кубаев А. С. Оптимизация диагностики и лечения верхней микрогнатии с учетом морфофункциональных изменений средней зоны лица // Научные исследования. – 2020. – №. 3 (34). – С. 33-36.
3. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукаидров А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.
4. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-CoV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
5. Ризаев Ж. А., Асадуллаев Н. С., Абдувакилов Ж. У. Динамика возрастных показателей физико-химического состава ротовой жидкости у лиц пожилого и старческого возраста // Вісник проблем біології і медицини. – 2018. – Т. 1. – №. 3 (145). – С. 382-385.
6. Ризаев Ж. А., Туксонбоев Н. Х. У. Деформация носа с расщелиной и ринопластика // Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 92-104.
7. Ризаев Ж. А., Хазратов А. И., Иорданишвили А. К. Морфофункциональная характеристика слизистой оболочки жевательного аппарата при экспериментальном канцерогенезе // Российский стоматологический журнал. – 2021. – Т. 25. – №. 3. – С. 225-231.
8. Ризаев Ж. А. и др. Оценка точности установки дентальных имплантатов // Журнал стоматологии и краинофациальных исследований. – 2023. – Т. 4. – №. 2.
9. Ризаев, Ж. А., Ахророва, М. Ш., Кубаев, А. С., & Хазратов, А. И. (2022). Changes in the mucous membranes of the oral cavity in patients depending on the clinical course of covid-19. Журнал Стоматологии и краинофациальных исследований, 3(1).
10. Урунова М.А., Жуманов З.Э., Ахмедов У.Х. Умумий йўлдошли эрта туғилган эгизаклар ўлимида миокард тузилмаларидағи ўзгаришларнинг морфологик жиҳатлари // Биология ва тиббёт муаммолари журнали 2023 №6 (150). С. 389-390
11. McClure EM, Saleem S, Goudar SS, Moore JL, Garces A, Esamai F, Patel A, Chomba E, Althabe F, Pasha O, Kodkany BS, Bose CL, Berreuta M, Liechty EA, Hambidge K, Krebs NF, Derman RJ, Hibberd PL, Buekens P, Manasyan A, Carlo WA, Wallace DD, Koso-Thomas M, Goldenberg RL. Stillbirth rates in low-middle income countries 2010–2013: a population-based, multi-country study from the Global Network. Reprod Health. 2015; 90(12):1379–1385.
12. Smith KL, Manktelow NB, Draper ES, Boyle EM, Johnson SJ, Field DJ. Paediatrics Research Trends in the incidence and mortality of multiple births by socioeconomic deprivation and maternal age in England: population-based cohort study. BMJ. 2014;4(4):16–32. DOI: 10.1136/bmjopen-2013-004514.

#### МОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СТРУКТУР МИОКАРДА НЕДОНОШЕННЫХ ДИХОРИАЛЬНЫХ БЛИЗНЕЦОВ

Жуманов З.Э., Урунова М.А.

**Резюме.** Проведено патоморфологическое исследование сердца 24 (12 пар) умерших дихориальных близнецов с целью определения морфологических особенностей структур миокарда недоношенных дихориальных близнецов. Морфологически объяснены различия в структуре миокарда близнецов с относительно небольшим размером сердца и с большим размером сердца.

**Ключевые слова:** дихориал, двойня, миокард, сосуды, морфология.